

# ЖАЛДК СҮЗИ

Газетамиз 1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

15 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНА. № 201 (452).  
1992 йил

Сотувда эркин нархда

**Бурҳониддин РАББОНИЙ:**

## ЧЕГАРАЛАРДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИ УЧУН ҚЎЛИМИЗДАН КЕЛГАН ҲАММА ИШНИ ҚИЛАМИЗ

АФГОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ РАҲБАРИ  
Б. РАББОНИЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ  
ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### ҚУШМА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Афғонистон Ислам давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний 13—15 октябрь кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

13 октябрь кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов билан Афғонистон Ислам давлатининг раҳбари Б. Раббоний ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Иккала давлат раҳбарлари кенг қўламадаги масалалар юзасидан ўтказилган фикрлашувлар фойдали бўлганини таъкидладилар, томонлар олий даражадаги ўзбек — афғон учрашуви Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислам давлати ўртасида давлатлараро муносабатларнинг қарор топтириш ва ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлганини қайд этиб ўтдилар. Шу давлатларнинг халқларининг тарихий қарошларча дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб турибди.

Ўзбекистон ва Афғонистон раҳбарлари Афғонистондаги воқеаларни муҳокама қилдилар. Афғонистон Ислам давлати раҳбари чет элдан бўлган агрессияга қарши 14 йиллик курашдан кейин мамлакатда ваъит барқарорлигини учун муайян вақт лозимлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга ваъит тез суръатларда яхшиланиб, яқинда ўз ишларини бошлайдиган миллий кенгаш тўғрисида билан мамлакатда тинчлик ўрнатилди.

Президент И. Каримов Афғонистондаги можабро тинч йўл билан бартараф этилиши керак, деган қатъий фикрини билдирди. Афғонистон ҳукумати ҳозирги Афғонистон ҳудудида яшайдиган барча халқларнинг манфаатларини мумкин қадар қўриқиб олишда эътиборини атайлаб асраши ва давлатнинг ахиллигини сақлаб қолишидан Ўзбекистон томонини қўллаётган аҳолининг қўллаб-қувватлашига ҳам рози бўлибди.

Икки давлат Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам давлати ўз муносабатларини ҳеч қандай ташқарилдан бўлгандаги востанларисиз, юзма-юз, очиқ кўнгил билан бир-бирига биродарлик, яқин қўшнилик сифатида амалга оширишига қарор қилишди. Давлатларнинг раҳбарлари шунга қатъий ишонч билдирдиларки, бўлиб ўтган ташриф ва фикрлашувлар Афғонистон Республикаси билан Афғонистон Ислам давлати ўртасидаги аажиб олдиринишга, улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашга қўмаклашди.

Б. Раббоний Президент И. Каримовни расмий ташриф билан Афғонистонга боришга таклиф этди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф мудири дипломатия йўли билан қўшимча равишда келишиб олинади. Тошкент шаҳри, 1992 йил 13 октябрь.

### БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ САМАРҚАНДА

Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислам давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги делегация 14 октябрь кунин Афғонистон Президенти ҳузурдаги давлат котиби Р. Рамазов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди.

Шу муносабат билан Самарқанд таёғраҳи Афғонистон Ислам давлати ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари билан бевағитли, Мухтарам меҳмонларни Самарқанд вилояти хокими П. Абдурахмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Болалар Бурҳониддин Раббонийга гуллар тақдим этдилар. Ҳурматли меҳмонлар

шаҳарнинг қадимий ёдгорликларини аър кўриши билан қўладан кеңирдилар, шундай ноёб обидларини бўм-ўтган аждодларимиз ақл-заковатига тасанюлар айтдилар. Челақ районидан Имом Исмоил ал Бухорий масжидини зиёрат қилдилар. Вилоят хокимлиги Афғонистон Ислам давлати раҳбари шарафига қабул маросими ўтказди. (ҲАА).

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Яқинда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида давлатлараро муносабатларини йўлга қўйиш учун Афғонистон Ислам давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний жаноби олийларини юртимизга таклиф этиб, давлатнома юборган эдилар. Мазкур давлатноманинг шарофати ўлароқ, Афғонистон Ислам давлати раҳбари бошчилигидаги расмий делегация 13 октябрь кунин Тошкентга ташриф буюрди.

Улуғ меҳмонини қабул қилган Президентимиз, давлатномага лаббай деб жавоб буюргани учун меҳмонга миннатдорчилик билдирди ва бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини яқин йўлга қўйишда муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

Совет империсиз даврида узилиб қолган алоқаларни қайта тиклаш ҳар иккала томоннинг ҳам манфаатларига мос келди. Чунки аждодларимиз асрлар мобайнида ён қўшни, жон қўшни бўлиб яшаб келганлар, яқин қатнаган йилларида муҳожирликни ихтиёр этган ватандошларимиз Афғонистондан паноҳ толдирдилар. Уларнинг ақсарияти ўша юрдада муҳим яшаб қолдилар. У ерда ўзбек халқининг улуғ бобокалонлари Мир Алишер Навоий ва Бобур Мирзолар хоки бор. Шундай экан, ўзбек халқи Афғонистонда давом эттаётган биродарчилик урушига бевқар қараб тура олмайди.

Чунки бу уруш минтақадаги халқлар манфаатига мутлоқ зиддир. Эеро, қурилиши режалаштирилган Термиз Карчи йўлининг асосий қисми Афғонистон ҳудудидан ўтиши ҳам кўп жиҳатдан бу юрдада тинчлик ўрнатилишига боғлиқдир.

Биз, деди И. Каримов, Афғонистон ахиллиги тарафдоримиз. Афғонистондаги можаброларни тинч, музокаралар йўли билан ҳал этиш лозим. Шунингдек, бу минтақани бошқа катта давлатларнинг манфаат ёки ўзаро ихтилофлари майдонига айлантиришига йўл қўйиб бўлмайди. Вужудга келган ҳар бир муаммонини минтақадаги давлатлар кўнгил ҳал этиши лозим.

Ислам Каримов сўнгра Афғонистон ва Тожикистон давлатлари чегарасида содир бўлаётган қўнғилсиз воқеалардан инҳоятда оғир ақсолдерди. Озини-оқват ва ёқилги таъкидлагич, техника этишмаслиги урушдан қаранган афғон халқининг тинқисини қуритмоқда. Бу маселалар минтақадаги, хусусан, Урта Осиёдаги давлатлар Афғонистонга ёрдам қилиши чўзса яқин бўларди.

Б. Раббоний ҳазратлари Афғонистон ва Афғонистон чегарасида содир бўлаётган воқеалар хусусида сўз юритиб экан, келгусида бу чегарада тинчлик ўрнатилиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилмиз, деди. Афғонистон Ислам давлати раҳбарияти ҳам чегаралар қўриқиб олиш ўтилишига мутлоқ қарши эканини, бироқ мамлакатда расмий ҳукуматга бўйсунмайдиган қуролли кучлар борлиги ва улар Тожикистондаги муҳолиф гуруҳларини қурол-яроғ билан таъминлаётганини ҳам ашириб ўтирмади.

Томонлар бундан буён давлатлар муносабатларини кенг миқёсда давом эттириши

ни ҳамда Ўзбекистон томони Афғонистон иқтисодийтини қайта тиклаш учун ёрдам беришини ўзаро келишиб олишди. Бу бордаги ҳамкорлик тағшил битим ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш орқали амалга оширилажги маълум қилинди.

Сўнгра И. Каримов оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон қамқонларида афғонистонлик асирлар бор, деган миш-мишлар тарқатилган бўлганда бошқа нарсасиз эмас, деб таъкидлади ва ўз навбатида Б. Раббоний жанобларидан совет-афғон уруши йилларида асир тушган Ўзбекистон фуқароларининг ватанига қайтишларида қўмақ беришини сўради. Илтимос қабул қилинди.

Шу кунин мамлакатимиз пойтахтидаги Халқлар Дўстлиги саройида иккала давлат ўртасидаги муносабатларини изга солиш борасида дастлабки қадам қўйилди. Дипломатия алоқаларини ўрнатиш тўғрисида протокол ва ҳаво йўлларини очиш борасидаги ҳамжиҳатлик ҳақида меморандум имзоланди.

Имзолаш маросими тўғрач, Президент И. Каримов ва Афғонистон Ислам давлати раҳбари Б. Раббоний журналистлар билан суҳбат уюштирилди. Суҳбатни бошлаб берар экан, И. Каримов ҳеч бир давлат ўз қўшимсини ташлаш имкониятига эга эмаслигини ва бу алоҳ таолонинг иродаси эканини таъкидлади. Бас, шундай экан, минтақадаги қўшни давлатлар билан ахил-иноқ қўли-қўлга бериб яшайдан ўзга чора йўқ.

Ўзбекистон ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги муносабатларини йўлга қўйишдан миннатдорчилик билан манфаатдор бўлган Афғонистонга ёрдам қилиши чўзса яқин бўларди.

Б. Раббоний ҳазратлари Афғонистон ва Афғонистон чегарасида содир бўлаётган воқеалар хусусида сўз юритиб экан, келгусида бу чегарада тинчлик ўрнатилиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилмиз, деди. Афғонистон Ислам давлати раҳбарияти ҳам чегаралар қўриқиб олиш ўтилишига мутлоқ қарши эканини, бироқ мамлакатда расмий ҳукуматга бўйсунмайдиган қуролли кучлар борлиги ва улар Тожикистондаги муҳолиф гуруҳларини қурол-яроғ билан таъминлаётганини ҳам ашириб ўтирмади.

Томонлар бундан буён давлатлар муносабатларини кенг миқёсда давом эттириши

ни ҳамда Ўзбекистон томони Афғонистон иқтисодийтини қайта тиклаш учун ёрдам беришини ўзаро келишиб олишди. Бу бордаги ҳамкорлик тағшил битим ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш орқали амалга оширилажги маълум қилинди.

Сўнгра И. Каримов оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон қамқонларида афғонистонлик асирлар бор, деган миш-мишлар тарқатилган бўлганда бошқа нарсасиз эмас, деб таъкидлади ва ўз навбатида Б. Раббоний жанобларидан совет-афғон уруши йилларида асир тушган Ўзбекистон фуқароларининг ватанига қайтишларида қўмақ беришини сўради. Илтимос қабул қилинди.

Шу кунин мамлакатимиз пойтахтидаги Халқлар Дўстлиги саройида иккала давлат ўртасидаги муносабатларини изга солиш борасида дастлабки қадам қўйилди. Дипломатия алоқаларини ўрнатиш тўғрисида протокол ва ҳаво йўлларини очиш борасидаги ҳамжиҳатлик ҳақида меморандум имзоланди.

Имзолаш маросими тўғрач, Президент И. Каримов ва Афғонистон Ислам давлати раҳбари Б. Раббоний журналистлар билан суҳбат уюштирилди. Суҳбатни бошлаб берар экан, И. Каримов ҳеч бир давлат ўз қўшимсини ташлаш имкониятига эга эмаслигини ва бу алоҳ таолонинг иродаси эканини таъкидлади. Бас, шундай экан, минтақадаги қўшни давлатлар билан ахил-иноқ қўли-қўлга бериб яшайдан ўзга чора йўқ.

Ўзбекистон ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги муносабатларини йўлга қўйишдан миннатдорчилик билан манфаатдор бўлган Афғонистонга ёрдам қилиши чўзса яқин бўларди.

## СУЗ ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА АНЖУМАН ЖАҲОН КИНОСИНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ҲАМ БЕЛГИЛАЙДИ

ЎЗ СУЗНИМИЗГА  
ЭГАЛИК

ҲАСАН САМИ ЮСУФ (СУ-РИЯ):

Тошкент Халқаро кинофестивали сурialiк кинематографчилар учун ҳам катта имкониятлар очмоқда. Аввало, Сурия киноси ҳақида тўхталиб бўлган бўлганда, шунинг айтишим лозимки, бизнинг киноимиз ривожланиш жараёнини уч даврга бўлилади. 1928 йилда мамлакатимизда биринчи марта бадиий фильм суратга олинган. Шу йилдан бошлаб 1960 йилгача Сурия киноси шаклланиш даврини босиб ўтди. Бу йиллар кино санъатининг учун жууда машаққатли бир давр бўлди. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий таъназул киноимизга ўз таъсирини кўрсатди. Яна шунинг алоҳида таъкидлашим керакки, бизнинг киноимиз Сурия давлати хавфсизлигини сақлашда ҳам талай хизматлар қилди. Халқимиз жаҳонда кечатган сиёсий-иқтисодий жараёнлардан кино атраплар орқали хабардор бўлишди. Мамлакат маданияти, санъати ҳақида ҳам илк бор киночиларимиз халқимизни огоҳ қилишди.

ТАСКИН — УМИДЛИ  
ЖОНЛАНИШ

АЛБЕРТО КОРТЕС, ҳайъат  
аъзоси (МEXИКА):

Мексика киноси ҳақида ортиқ ахборот бериш кўпм шарт эмас деб ўйлайман. Чунки бизнинг киноларимиз алоқачон жаҳон афғор оmmasга яқин таниш. Аммо кўпгина мамлакатларда бўлганидек, бизнинг кино санъатимиз ҳам чуқур таъназулнинг бошдан кечирмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Айниқса, жамаиатда ҳуку сурган иқтисодий муҳит, маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши, иқтисодий тараққиётнинг секинлашуви киноимизга салбий таъсир кўрсатди. Кўнғилсиз таъсир берадиган нарсасиз шунки, кейинги уч йил ичиде умидли жонларини юз берди. Санъаткорларимиз умумбашарий маънавий муаммоларни Мексика халқи ҳаёти орқали кўрсатишига ҳаракат бўлишди. Шунинг учун бошса керак, айрим киноларимиз ҳам мамлакат ичкирсинида, ҳам жа

ХИНД ФИЛЬМЛАРИ  
ЯНГИ МАРРАДА

УМESH МЕХРА, ҳайъат аъзоси  
(ХИНДИСТОН):

Тошкент халқаро кинофестивали тараққиётга жууда йатта ҳисса қўшмоқда. Айниқса, XI анжуман иждоқларининг халқий баҳс-мунозарасига айланиб кетди. Бу фестивалнинг яна бир иккинчи томони шундаки, у жаҳон кино санъати келгусида қай йўлдан боришини ҳам бир мунча белгилаб бермоқда. Авваллари фақат учинчи дунё мамлакатлари томошабинларининг талаб ва дидлари асосида фильмлар яратган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинематографчилари бугунги кунда умминсониятга тегишли мавзуларга дадил қўл уршмоқда. Шу жумладан ҳинд фильмларини ҳам сифат жиҳатидан ўзгартишлар сезила бошлади. Ҳис-ҳаяжонларга бой мелодромлар билан биргаллик, уни мулоқазас юритишга мазмур қиладиган бадиий ленталар ҳам эрроларимиз юзини кўра бошлади. Йилгача 600 га яқин бадиий фильм ишлаб чиқарилган Ҳиндистон учун бу нарсас жууда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳолиддин САФО  
Эзиб олди.

## ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИНЛАШМОҚДА

14 октябрь кунин XI Тошкент Халқаро кинофестивалининг матбуот марказида кўнқ таъназулдан намойиш этилган фильмлар юзасида журналистлар ва кинематографчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Мексика, Сурия, Германия Лотин Америкасидаги кино муаммолари ҳақида, сурialiк киноцензарини Хасан Самми Юсуф эса «Оғзаки ном» фильмининг яқинлиги тўғрисида сўзлаб беришди. Бундан ташқари, ҳиндистонлик продюссер Умеш Мехра ҳамда россиялик киношунос Ирина Шиловалар ҳам

уш фикрлари билан ўртоқлашдилар. Учрашунинг фестивалнинг матбуот маркази бошлиғи Анавар Жўрабоев олиб борди ва йилгачаги навабдаги якуновчи матбуот конференцияси Кино уюнда ўтказилишини, унда бир қатор ташқили масалалар ва кейинги фестивалнинг ноиланиши билан боғлиқ тақлифлар кўриб чиқилишини билдирди.

И. ЖИЯНОВ.

## БИЗЛАР ИШЛАЙМИЗ, БУ МЕҲНАТ ХОЛОС...



Вўз тумани пахтакорлари ҳар кунин қабул пунктларига йиллик режаланиг 5-6 фоиз иқдорда «оқ олтин» тошғриб, Андижон вилоятида пешнадавиллик қилмоқда. Бунда Манжон Жалолов қонли давлат ҳўжалиги заршуносларининг ҳиссаси катта. Улар эрта баҳорда 3.140 гектар ерга уруғ қадашғанди. Зўр меҳнат энаинга жаваб найдода жўл ҳосил этиштирилди. Мана бир неча кундир-ки, йнғим-терий авжиде. Терийчилари суворийлар кунинга сурьатга-сурьат қўшмоқдалар. СУРАТЛАРДА: 1. Район ҳоки-

## ПАХТА-ВАТАНГА!

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи усту — вилоятлар; иккинчи усту — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи усту — мавсум бошдан буён; тўртинчи усту — шу жумладан, бир кунда машинида тайрланган пахта; бешинчи усту — мавсум бошдан буён.

[Ревага инсбатан фонд ҳисобида]				
Фарғона	2,03	56,66	1,49	29,09
Андижон	2,90	50,84	2,91	30,66
Бухоро	2,41	47,73	1,20	16,18
Наманган	3,29	40,36	2,86	26,20
Сурхондарё	2,09	40,00	2,27	30,50
Хоразм	2,00	37,62	0,68	2,25
Қашқадарё	3,02	32,13	3,39	26,48
Қорақалпоғистон Республикаси	2,34	26,84	2,07	12,50
Навоий	2,06	22,17	1,38	5,20
Тошкент	3,02	16,84	3,04	9,30
Самарқанд	1,82	10,95	0,67	3,87
Сирдарё	1,80	7,76	1,69	4,32
Жиззах	1,61	6,36	1,69	5,39
<b>Республика бўйича</b>	<b>2,37</b>	<b>31,84</b>	<b>2,12</b>	<b>15,92</b>
<b>ШУ ЖУМЛАДАН ИНИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА</b>				
Сурхондарё	2,14	34,69	—	—
Наманган	2,18	32,58	—	—
Қашқадарё	1,81	11,45	—	—
Навоий	0,88	8,96	—	—
Бухоро	—	—	—	—
Андижон	—	—	—	—
<b>Республика бўйича</b>	<b>2,02</b>	<b>28,74</b>	<b>—</b>	<b>—</b>

БИР ВИЛОЯТ ХАБАРЛАРИ

УРМОН ЙУҚ, ЕҒОЧ ЭСА ТОПИЛАШТИ «ФАОЛИЯТ» кичик корхонаси «Ғалаба» давлат хўжалиги иш-чаларига мол айир-бошлад йўл билан келтирилган тўси, тахта ва бошқа қури-лиш ашёларини сот-моқда.

Ульянов районидagi хўжалик ҳисобида иш юритилган бу кичик корхонада тайёрлана-ётган ром, эшик, пол тахталари, фанералари аҳоли шу ернинг ўз-дан ҳарид қилипти. «Фаолият» уй-рўзгор буюмлари, турли ме-беллар ҳам ишлаб чиқармоқда.

УСТАХОНА ПУХТАХОНА ЭМАС ЭКАН «ҒАЛАБА» давлат хўжалигида Ульянов районда биринчи бор истеъмолчиларни си-фатли қўрилган ме-ва ва подиз маҳсулот-лари билан таъмин-лашга киришилди.

Бу ерда таъмирлаш устaxonаси учун қури-лган биноянинг бун-чалари билан нечта-си мева-сабзавот қури-тиш учун мослашти-рилди ва махсус ас-боб-ускуналар ўрна-тилди. Ҳозиргача 10 тоннага яқин маҳсулот қўрилди, аҳолига сотилди.

Қоқлардан Сибирь ва Россиянинг бош-шаҳарларига юбориш ҳақида ҳам шартно-малар имзоламолда.

ХўЖАЛИККА — АРЗОН, ТАШҚАРИГА — ҚИММАТ

БИР дона яшиқ ғаниннинг баҳоси 2,5 — 3 сўмга чиди. Уни қиммат нархда сотиб олишга ҳамма уй қўриқчиларининг ҳам қўлига кўтара-вермайди. Ульянов туманида-ги «Москва» хўжали-ги раҳбарлари бунинг осон йўлини топиш-ди. Ҳозир бу ерда ишга тушган ғанин чехида йилга 2 мил-лион дона тақри-б қурилиш ашёси тайёр-лавиш биринчи гада хўжалик аҳолиси таъминланапти. Чу-қил, ҳозирча бу маҳсу-лотга талаб жуда катта. 15т хўжалик аҳолисига 15т тиғин-дан, бошқа харидор-ларга 30 тиғиндан со-тилмоқда.

Ж. ЮСУПОВ.

Биз турмуш ўртоғим билан биргаликда ўн фарзандни катта қилдик, бирини уйлантирдик, иккинчисини турмушга бердик. Мана энди «Бобой-мосой» бўлиб, даришимиз суриб ётибмиз. Лекин хануз ўзимизни ишдан тортганимиз, қайтдан соғунаганимиз йўқ.

У кун туғиш ўғлим газит кўтариб келиб қолди. Янги Конституция лойиҳаси эълон қилинди. Билдикки, мен сибаста қизқаман, шунақа аниқликларга ўчман.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Респуб-ликсининг Конституцияси ло-йиҳаси мустиқл хуқуқий дав-лат барпо этиш йўлидаги жиддий қадам бўлиб, унинг 24-боби республика ҳудудда қонуналарни аниқ ва бир хил-да бажарилиши устидан про-курорлик назоратига бағиш-ланди.

Лойиҳанинг 116-моддасида «қонуналарнинг бажарилиш устидан олий назоратни» Ўз-бекистон Республикасининг прокуроратури амалга оши-ради, деб қўрсатилмиш тўри-ри бўлган. Чунки халқ хўжа-лигининг барча тармоқларида шу тармоқ учун манусб ко-нун ва қондаларнинг бажари-лиш устидан назорат олиб борушлари мажбур бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам, ўт-казилган текшириш ва аниқ-ланган хуқуқ бузувчиларга нисбатан қўрилган таъсир чо-ралари ҳам амалдаги қону-ларга мос эканлиги устидан давлат номидан олий назо-ратни прокуратура органлари амалга ошириб борадилар.

Қонуналар ўз ижроси билан қўлиниди. Шу боисдан ҳам прокуратура органларига бар-ча вазириқлар, давлат қўми-ни, Лойиҳа билан танишар эканимиз, ҳамма халқлар учун умумий бўлган халқаро ко-нун нормаларига риоя этил-ганлигининг ҳам, халқимиз-нинг миллий ўзига хос жи-ҳатлари эътибор этилганли-гининг ҳам тўғриси бўлдики. Шу билан бирга унинг ай-рим тахририга мутоқ, ор-тинча ва олиб ташлайдиган жойлари ҳам бор, деб ҳисоб-лаймиз. Бироқ биргина ма-қолада унинг ҳамма модда-лари ҳақида батафсил тўх-талиш, ютуқ ва камчиликла-рини хусусидаги барча фикрларимиз баён қи-лиш имкониятига эга эга эмасмиз. Шу боис ҳам унинг фуқаролик ҳақидаги бобига оид тақлиф-муҳожа-ларимизни айтиш билан чеklangанмиз.

Фуқаролик — муқаддас ном. Зеро, Ўзбекистон фу-қароси деган кутлур номга эга бўлиш ҳар бир киши учун ҳам шарафдир. Фуқаро-лар бу номни муқаддас сақ-лашлари, зарарча бўлса-да унга дош туришлари ҳамма-га ҳам фарз, ҳам қарз. Ахир, халқимизнинг халқаро миқ-сидagi оубу-эътибори кўп жиҳатдан шунага боғлиқ.

Оқиндан айтиб қўяйлик: уч моддалан иборат мажкур бобнинг 22-моддасига асло эътирозимиз йўқ. Бироқ бизда унинг бошқа моддала-

ҒАШГА ТЕГМАЙДИГАН БЎЛСИН

Ғанинги пўстқаласи шуки, Конституция асосий йўналиш-ларда муқамал эъланган. Би-ринчи, иккинчи бўлимларни даярли муҳокамасиз ҳозирқо қабул қилиб юбасавра ҳам бўлади. Кейинги бўлимларга эса, менимча, майда-чуйда ўзгаришлар киритилса, ки-фоя.

Биз энди қари одам, умр бўйи чўда юрганамиз, балки фикримиз ҳам баъзиларга дағал туолар, лекин айтма-сам бўлсам: «Ойлан» деб ном-ланган боб менга қандайдир эриш туолди: «Отаналар болаларини волага етгунга қа-рор боқиш ва тарбиялашга мажбур қилар», дейилибди.

Еки 63-модда: «Волага ет-ган, меҳнатга лаяқатли бола-лар ўз отаналарига ҳақида гамхўрлик қилишга мажбур-дир», дейилган. Ўзбекчилик-да Сира бунақа мажбурий-лик бизнинг ҳаёлга келмапти. Инсоннинг инсонлиги ҳам э-сли шунда! Қолаверса ҳай-вон ҳам ўз фарзандини волага

етгунга қадар тарбиялайди. Хатто унга ҳеч ким тарбия-лашга мажбурсан», демаса ҳам.

Менинг фикри охишимча, 62-модданинг биринчи ба-ндини, 63-моддани жиддий қайта кўриб чиқиш лозим, токи у гашга тегмайдиган, эриш туолайдиган бўлсин.

Аъзам АРҶАБОВ, Жиззах вилояти Зафаробод районидаги Оқунибобов номи давлат хўжалиги ижра-чиси.

ИЖРО КАФОЛАТИ

талари давлат ва тармоқ на-зорат ташкилотлари, маҳал-лий ҳокимликлар ва уларнинг ижроия органлари, кооператив, жамоат, қўшма кор-хоналар, мансабдор шахслар ва барча фуқаролар томони-дан қонуналарни аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назо-рат олиб бориш вазироси юклатилгандир.

Лойиҳанинг 92-моддаси, 9-бандида Ўзбекистон Респуб-ликсини Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинлан-диган ва лавозимидан озод этилиши, кейинчалик бу ма-салаларни Олий Мажлис тасдиғига киритилиши кўзда тутилган. Фикримизча, шу кон-дан лойиҳанинг 117-моддаси-да қўйилган мазмунда «ри-тиласа, мақсадга мувофиқ бў-лар эди: «Прокуратура орган-ларининг агона марказлаш-тирилган тизимига Ўзбеки-стон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қила-ди.

Ўзбекистон Республикасини Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинлан-диган ва лавозимидан озод қи-ладилар, кейинчалик бу ма-салала Олий Мажлисининг тас-диғига киритилди.

Республика Бош прокурори вазироси белгилаб бе-рилган бобда уни ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳақидаги қонунга ўз исини то-пиш мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳанинг 119-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳу-дудда жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув,

тергов ва бошқа махсус ва-зибаларни мустиқл равишда бажаруви хусусий коопера-тив ташкилотлар, жамоат бир-лашмалари ва уларнинг бў-лимчаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият қўрсатиш таъқиқланади, деб қўрсати-лган. Ана шу тушунча лойиҳа-нинг жамоат бирлашмалари ҳақидаги 55-моддада баён этилса, мантқиқ жиҳатдан ўз ўрнини топган бўлур эди. Чунки прокуратура органла-ри фаолиятига бағишланган 24-бобда мантқиқ жи-ҳатдан тўғри келмаслигидан ташқари лойиҳанинг 55-мод-дасида қўрсатилган «...жамоат бирлашмаларининг давлат ор-ганлари ва мансабдор шах-слар фаолиятига аралашши йўл қўйилмайди» деб қўрса-тилган тушунчани такрорлай-ди.

Лойиҳанинг 87-моддасида Олий Мажлис депутатини до-ҳисизлик хуқуқидан фойде-ланмиш кўзда тутилган. Олий Мажлисининг розилигисиз жи-ноий жаовабгарлик тарти-би, ҳисба олиниши эки суд томонидан берилдиган маъмурий жазага тортилиши мумкин эмаслиги қайд этил-ган. Олий Мажлис сессияси маълум муддатларга йиғи-лишини ҳисобга олиб, ана шу юқорида кўзда тутилган розиликни бериш хуқуқи Олий Мажлис сессиялари ўр-тасида бирор органга берил-са, бу қарор Олий Мажлис-нинг навбатдаги сессиясига киритилиши лозимлиги кўзда тутилса, қону талабларига мос келар эди, қону олди-да барча борабар, деган хуқуқий давлатнинг асосий принципларининг амалдаги ифодаси бўлур эди.

В. ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган хуқуқшу-нос.

Е. ТОШҶАТОВ, Андижон давлат тиб-ёт олийохиқини катта ўқитувчиси.

В. ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган хуқуқшу-нос.

Е. ТОШҶАТОВ, Андижон давлат тиб-ёт олийохиқини катта ўқитувчиси.

Конституция лойиҳаси

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА ФУҚАРОЛИК — МУҚАДДАС НОМ

деган уйдирмаларни тўғри чиқариб минг-минглаб ҳалол-поқ, миллатпарвар фуқарола-ринининг эътирини қури-тувчилар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилди. Вугина эмас, республиканинг Президенти-нинг ташаббуси билан хатто асосиз озодлидан маҳрум этилиб, ўзга юртлар маҳбус-хоналарида азият чекаётган фуқароларимиз олиб кели-ниб, озод этилди. Булар, шуб-ҳасиз, жумхуриятимиз бош-қарув идораларининг оқило-лий шурурининг анча ривож топганидан далолат. Бироқ оқилол афсуслар бўлсинки, Ватанимизга бутун умри те-гилиш хўрлик билан ўтган, ах-лоқиб бузуқ даядиларнинг оқиб келиши ҳамон тўхтаган йўқ. Қошқийди қиларини қилиб қўйиб ўз ватанида отининг қашқасидек та-виллиб қолган бу нухсалар халқимизнинг бағри кенглиги-ю олийжаноблигининг қад-рига етишса! Уларда зарарча инсонийлик бўлганда эди бунинг ҳеч қилишарди. Худди шунинг учун ҳам уларга ўз ватанларида на халқлари, на

ЭЪТИҚОД-ВИЖДОН ИШИ

Ўзбекистон Республика-сининг Конституцияси ло-йиҳасини эўр қизитиш билан ўқиб чиқдик. Унинг ҳар бир боби, бўлими билан таниш-ган, шундай тасавур ҳосил бўлди: лойиҳага жаҳон ху-қуқий давлатлари, демокра-тига асосланган мамлакат-ларнинг қонуслари йўналиш қилиб олинган. Шу боис ҳам унда инсон хуқуқлари, эр-киликлари тўла ҳимоя қи-линади. Яна бир томони ло-йиҳада халқимизнинг турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятла-ри эътиборга олинган. Жум-ладан, унинг 30-моддасида: «Барча учун дин эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир ин-сон виждон эркинлиги хуқу-қига, хоҳлаган динига эъти-қод қилиш эки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Ҳеч бир диний ташкилотнинг давлатдан би-рон иштироси ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин эмас», деб ёзилган. Бу қондалар совет давридаги Конституцияларда ҳеч қачон тилга олинмаган эди. Халқи-миз озодликка эришиб, ўзли-гини танган ҳозирги шароит-да Асосий Қонунга юқорида-ги жумлаларнинг қўйилиши нини жуда тўғри деб ўйлай-ман. Шу билан бирга мажкур мод-дан биринчи жумласидан кейин «фуқароларни динга сиғинишга мажбурлашга йўл қўйилмайди», деган жумла қўшиб қўйилса мақсадга му-вофиқ бўлур эди, деб ҳисоб-лайман. Ногамки, эътиқод ма-саласи ҳар кимнинг ўз шах-сий ишидир.

М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯККАБОФ ҚУМИРИНИНГ ИССИГИ БАЛАНД

ГЕОЛОГЛАР Ҳи-сор тоғининг Яккабоф райони ҳудудидан ўт-ган қисмида Ирик кў-мир қони борлигини аниқлаган эдилар. Як-кабоф кўмири Ангрен кўмирига нисбатан бир неча баравар кўп иссиқлик бериши аниқ-ланди. Ирик илмий-тадқиқот институтида-рида ўтказилган та-дқиқотлар бунинг тўла ис-ботида.

Е. ТОШҶАТОВ, Андижон давлат тиб-ёт олийохиқини катта ўқитувчиси.

дан ташқари маълумотларига қараганда, уларнинг ан-чагина қисми юқумли ка-салликларга чалинганлар. Сил касалига чалинган бе-морни даволаш учун кунчи-га 250-300 сўм сарфлаш та-лаб қилинар экан. Ҳам кас-салликта чалинганларни даволашга ҳам бундан кам маблаг кетмайди. (Ахир, Русия ва бошқа жумхури-ятларда даволангани бор-ган бемор фуқароларимиз-дан улар озгиларга сиққа-нича маблаг талаб қилмоқ-далар-ку).

Виз юқорида асосан дай-дилар келтирилган моддий зарарлари ҳақида гапирдик. Бу ўта тубан, ахлоқсиз турфаларнинг жамиятимизга етказатган маънавий зар-арларини эса на сўз билан, ўйлаш мумкин. Бас шундай экан, Конституция-мининг фуқароликка оид бобига «меҳнатсиз кун кў-руви, турли юқумли ка-салликларга чалинган жи-ноятчи уснурлар Ўзбекистон ҳудудига киритилмайди» деган қўшимча киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда Ўзбекистон ҳудуди бундан кейин ҳам турли жиноятчилар оқиб келадиган маконга айланиб қоли-ши ҳеч гап эмас.

Мурод КАЛОНХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ район маркази Утепа қўр-ғонда бундан ўн йиллар муқаддам қу-рила бошланиб елка қолиб кетган ёпиқ бо-зор таъмирланиб, консерва ишлаб чиқари-лиши корхонасига ай-лантирилди. Ҳозир бу ерда минерал сув, лимонад, қандолатчи-лик маҳсулотлари, маълий нон, консерва, томат, мурabbo ва бошқа шу қаб маҳсу-лотлар ишлаб чиқари-ляпти.

Энди район хўжа-ликларига етиштири-лаётган сабзавот ме-валарининг шу ерда харидорлари бор. Корхона келажанда қўшни районлар билан ҳам ҳамкорлик қилишнинг режалаштир-ган.

ОВҚАТЛАР — БЕПУЛ Қизил Ярм ой жамиятининг Янги вилоят бўлими Жиззах шаҳ-рида «Саҳоват» ошхо-насини қуриб ишга туширди. Бу ерда 20 нафар қария ҳар кун 3 маҳал бепул ов-қатланмоқда. А. МАМАРАСУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОВЛИ ТУЙЛАРИ РАЙОНДАГИ 4-МКК қурувчилари қисқа муратда 24 он-лага мўлжалланган кўп қаватли уйни битказдилар. Унга Тошкент — Сариевот катта йўлининг темир йўл билан қосилган жойида қурилаган кўпқир туфайли уй-жойлари бузилганлар кўчиб киришди. Халқимизда яхши уду-млар кўп. Янги уйга кўчган киши ис қи-яғини ҳам шулардан биттаси. Айни қу-ларда хонадон соҳиб-лари ҳовли туйларини ўтказишти.

И. ТОШЕВ, Тошкент райони.

Мехр-шафқат кунда керак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблаг ажратиш тўғрисидаги фармон матбуотда эълон қилинганга атиги беш кун бўлди. Шунга қарамастан хайрия жа-мғармасига маблаг ўтказётган ва бу хайрия ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлаётган меҳнат жамоалари ҳа-қидаги хушxabарлар тахририятимизга келиб турибди. Бу эса мажкур фармон ўз вақтида чиқарилганидан де-лолат. Мухбиримизнинг Тошкент шаҳри Собир Раҳи-мов райони ҳокими Қудратилла РАФИҚОВ билан му-сохабаси ҳам шу мавзуга қаратилган.

— Қудратилла ака, Сиз раҳбарлик қилётган район ҳудудда жойлашган Тош-кент чини заводи жамоаси «Маҳалла» хайрия жамғар-масига ярим миллион сўм ўтамоқчи экисиз. Шу рост-ми?

— Ҳа, ўтказилди, деб ҳисоблаверсан бўлади. Фа-дат ўтган эмас. Тошкент ме-бель ишлаб чиқариш бир-лашмаси — 200 минг, ме-талда ишлов бериш ишлаб чиқариш бирлашмаси — 100 минг, бадиий-конструкторлик бюроси — 50 минг, Тошкент «Мармар» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 50 минг, «Семурғ» акционерлик жа-мийати ҳам 50 минг сўм ўт-казишга қарор қилишди. Бу маблаглар эрта-индин 700-сон ҳисоб рақамига бориб тушади.

— Буларнинг барчаси маж-кур фармон эълон қилиниб, айни одамлар хўшгадига ишга қўл урилганини бил-диради, шундай эмасми?

— Худди шундай. Ҳақиқа-тан ҳам ҳозирги турли иқти-содий қийинчиликлар даври-да бу жамғармани ташкил этиб, унга ҳўқумат заҳира фондидан йигирма беш мил-лион сўм маблаг ўтказилган-ининг ўзи катта гап. Бу ҳам республикамиз раҳбарияти-нинг аҳоли мамбағал табача-ларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мушкулликлар-дан ва истеъмол моллари нахшлари ҳамда кизмат на-рхисини бориши қийинчи-ликларидан, иқтисодий муҳо-фаза қилиш борасида амал-га оширган, ошқаратган қў-дан-қўп тадбирларидан бири-дир. Утган кун районимизда-ги корхона-ташкилотлар раҳ-

эгани шу рақамдан ҳам кў-риниб турибди. Маҳаллалар билан иш-лашда ўзимга етарли тахри-рам бор. Мақтаннига йўлмангу, А. Икромов рай-ониди ишлаб юрган кезла-рини икки йилда 24 йилда бажарилган каналзация ўрнатил ишлари ҳажмига тенг иш қилган эдик. Шу-нинг эвазига районда бола-лар ўртасидаги юқумли са-рғил касалига чалиниш икки баравар қамайган. Бу таж-рибамиз исботланган. Шу-нинг учун ҳам ҳозир маҳал-

шаҳарда ишлар қандай ке-тайтибди» деб шахсан тез-те сўраб турадилар. Ҳозирда кўнча шаҳар белбоғи — Сағбон кўчаси-нинг 80 фонзи каналзация-лаштирилган. Ҳозир боши берк кўчаларга қувур эти-зилапти. Шу йил 15 де-кабрда мажкур кўчадаги «Алоқа», «Хофиз Кўҳойи», «Суръат» ва бошқа маҳал-лалардаги, 10 та боши берк кўча ҳамда «Олча» тор кў-часидаги хонадонларга зан-тори олов уланди. Булар-нинг ҳаммаси 10 километр масофа деган гап. Корхона-роқ кўчасига каналзация ўтказиш ишлари бошланди. Маҳаллаларда ҳозир амалга оширилётган ишларнинг ҳаммаси район маблагни ҳи-собида.

Эсини шаҳарда ҳали му-аммолар анчагина. Бирорта замонавий боғча йўқ, кў-мир нархи фалон пул, электр тармоқларини таъ-мирлаш муаммоси, уйга навбатда турганлар оз эмас, уй-жойи даярли яроқсиз ҳо-лга келиб қолганлар ҳам бор. «Маҳалла» хайрия жа-мғармаси ана шундай му-аммоларни бартараф этишга кўмаклашади, унинг ташкил этилгани қай даражада му-аммоларнинг ҳам худди ана шунда. Бир сўз билан айт-ганда, худо хоҳласа етим-лар зор қашмамайди.

— Районда «Маҳалла» хайрия жамғармаси, аҳоли-га иқтисодий ёрдам бериш борасидаги тарғибот иш-лари қандай кетапти?

— Эмон эмас. Доно халқимиз «Мехр-шафқат кун-да керак» деб беворта айт-маган. Атиги тўрт кун ичи-да жамғармага районимиз-да меҳнат жамоалари 1 мил-лион сўм ўтказишга қарор қилишди. Бу бошланиши холос. Ҳадемай бошқа таш-килот ва корхоналар, саҳий қалб эгалари — алоҳида ҳам қўлдан-қўл маблаг тушиши-га қиосона бўлади...

— Маъмулий сўхбатин-гиза учун раҳмат.

Сўхбатдош: Шухрат УМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛАЛАР ОБОД БЎЛАДИ

ДЕДИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ ҲОКИМИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВ

ни район «Маҳалла» дасту-рини ишлаб чиқдик. — Тошкент шаҳри ша-рониди маҳаллалар билан ишлаш осон бўлмас керак. Негаки, уларда яшовчилар-нинг ўзига яраша қувват, ташкилоти бор-да...

— Фикрини гага қўшди-ман. Осон эмас, албатта. Лекин маҳаллалар ободон-чилиги, келажик йўлида ҳар қачна тер тўксак ҳам кам. Чунки маҳалла — уй-им, одоб-ахлоқ, миллий маданият ўчоғи.

Маҳаллаларда яшовчи ёшлар ўртасидаги жиноят-чилик кўп қаватли уйлاردан иборат дачаларда истиқо-мат қилётган ёшларга қар-раганда наид тенг ярымга оз яқинлиги бунинг исботи.

Районимизда 59 та маҳал-ла бор. 300 минг аҳолининг 140 минг нафар — қарийб ярми маҳаллаларда ишай-ди. Заманамиздаги юмушлар қўлаги қай даражада кенг

ларини водопроводлашти-риш, газ ўтказиш, канали-зация қувурлари этизишга алоҳида эътибор бераймиз.

— Дароқе, Тошкентнинг Эсин шаҳри Сиз раҳбарлик қилётган район ҳудудига жойлашган. У ердаги ма-ҳаллалар билан боғлиқ қи-йинчиликларини пойтахтдаги ҳеч бир маҳалла билан со-лиштириб бўлмайди...

— Галингиз мутлақо тўғ-ри. Эсин шаҳар аҳолиси узоқ йиллар алдиниб кел-ган эдилар. Ана бузилади, мана бузилади деб уй-жой-ларини таъмирлашмади. Уларнинг ўрнида ким бўл-сам шундай қиларди-да. Оқибатда анча-мунча уйлар даярли яроқсиз аҳолга ту-шиб қолган эди.

Мана бир неча йиллардан бери, Эсин шаҳар республи-ка ҳўқумати шаҳар раҳба-ринининг қоний эътибори-да. Хатто Президентимиз Ислам Каримов ҳам «Эсин



«Тузилган уйга меҳмон келар», — деганларидек ҳали ер соҳиб-лари даласидаги ҳосилни йиғиб улгурмасдан, кузнинг аёзли кун-лари шолкорларнинг ҳам эшиги-ни бемарқаб қоқиб турибди. Бу-ни чуқур аниқлаган Турхондарё вилоятининг Гагарин тумани шо-ликдорлари мавжуд 2250 гектар майдондаги ҳосилни совуқ кун-ларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишни азму-қарор қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1. Шолкор Қурбон Жовлиев. 2. Шоли қабул қилиш пунктадаги лавҳа.



# КИНОАНЖУМАН МЕҲМОНЛАРИ

• Ҳар куннинг гапи

## ОНАЛАР ЎЗ СОҒЛИҚЛАРИНИ ЎЙЛАМАСЛИКЛАРИДАН ТАШВИШДАМАН

МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШЛАРИ БЎЛИНИ  
МУОВИНИ ТУРҒУН ИШОНОВ БИЛАН  
МУСОҶАБА

— Духтур, илгари шаҳар ва районларда соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи лавозими бўларди...

— Ҳа, кейин гуё бир қатор даъво диллар билан бу ўрин қисқартирилди, шаҳар бирлашган касалхонаси таркибига қўшиб юборилганди.

— Салла деса калла олиб келишни бир кўриниши шу-да. Бўлмаса, қисқартирилиши зарур бўлган идоралар қанми? Халқ соғлигини сақлаш ишларини бошқариш тизимдаги янгиликнинг афзаллиги нима-да?

— «Халқ соғлиги — юрт бойлиги» деган нақл энг юқори миқдордан жарағлади, баланд пештоқларга йирик ҳарфлар билан ёзиб олинди. Амалда эса, тиббиётимиз аҳоли ночорданда ночор эди. Жаъни авазларнинг жисмоний, маънавий соғломлигини таъминлаш давлатнинг биринчи даражаси ишлари қаторига кўтарилмас экан, мамлакатимиз тараққийи ҳам оқсайверди. Ҳозир ҳокимларнинг бевосита соғлиқни сақлаш ишлари билан шуғулланувчи муовин тайинлангани мана шу мақсад йўлидаги илқ қадамлардир.

— Жиддий ташвишлар кўпми?

— Умумий аҳоли яхши эмас. Таъриблик кадрлар, моддий-техник базаси муаммолари бизда ҳам эл қатори. Бунинг сабабларини ўрганиб чиқдик. Маълум бўлдики, болалар мактабга қатнай бошлагач, бирон касаллик жиддий хурж қилмагунча тиббий кўридан ҳам деярли ўтказилмас экан. Аксарият қизлар эса баълоғат ёшга етиб ҳомиладор бўлмагунча шифоатхона остига юборилмайди.

— Инсон жисми аини гуркираб ривожланидан давр бу, шундайми?

— Ҳа-да! Мана шундан келиб чиқиб шаҳарда ўсмирлар шифоатхонаси ташкил қилинди, мустақиллик байрами арафасида ишга тушди.

— Яна бир дард: ҳозирги бизнинг имкониятларимиз билан беморни ҳар томонлама текшириб, анализларнинг жавоби чиққунча бегоб одам 10—15 кун овера бўлиб, баттар ҳолдан кетади. Айрим касалликлар оғирлашди ва ҳатто... Шу сабабли шаҳарда болалар шифоатхоналарининг моддий-техник асосини яхшилашга килришдик. Салкам 1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари тугагач, тахмин қўйиб маркази ишга тушди. Ҳозирча ҳар ерда сочиқиб ётган замонавий асбоб-ускуналаримиз ҳам шу жойда жамланади.

— Бола ҳақида ҳам у дунёга келмасдан жамхўрлик қилишдек ажойиб удумилни тиклаш керак. Бунинг учун имконият борми?

— Марғилон аҳлига хос хусусиятлардан бири ҳам шуки, серфарзанд оналар кўп. Ҳомиладор оналар ўзлари муолажа парварлига қанчалар муҳтож бўлмасин, шифоатхонада ётиши натавондилар. Бунинг учун ҳозир юз ўнгилик кундузи стационар очиб ҳаракатландимиз.

— Президентимизнинг махсус фармони билан ҳомиладор қанчалар моддий ёрдам кўрсатилаётганини биласиз. Лекин она — она-да! Кўпчилик ҳолларда фарзанд кутаётган синглиларимиз ўзлари ҳақида ўйламайдилар, қўшимча витаминли озиқ-овқат олиб истеъмол қилиш учун берилган ўша ёрдам пулини рўзғорга ишлаштириб юбордилар. Кундузи стационарда уларнинг парварлига эътибор ортади, кечкурун оила бағрида бўладилар.

— Шифоатхоналар бодиятини яхшилашнинг баъзи бемор учун тўғри қадам йўл ҳам милол келади. Шу бонс шаҳар чеккаларида беш жойда катталар ва болалар шифоатхоналарининг филиалларини очаяптимиз.

— Бу мақсадларнинг ҳаммаси яхши. Аммо масалани ечимни асосан тиббий ҳодимлар, уларнинг моддий ва маънавий имкониятларига боғлиқ...

— Энди широбозлик билан иш битириб бўлмайди. Шаҳар ҳокимияти ташаббус билан йилнинг ҳар чоракда ибратли билгидон, фидойи тиббиёт ходимларини мукофотлаш учун 27 минг сўмдан маблағ ажратилаётган бўлди.



— Шу пайтга бизда кадрларни гуё жаза тарзида шифоатхоналарга ишга юборилди. Аслида, бу ерда энг ҳушёр, таърибли, ганхўр ходимлар хизматда бўлиши керак. Ҳозир шифоатхонада шифоатчиларга алоҳида имтиёзлар яратиб ҳақида ҳам фармон тайёрланди.

— Шаҳар маориф бўлими қоида махсус лицей очиб, тиббиёт илмгоҳлари учун қобилиятли ўғил-қизларни тайяраляптимиз. Лекин бир жиддий мулоҳазам борми: бошқа соҳалар ўз йўлига, тиббиёт бўйича ўқини натавон биларинг ҳажмаси шартнома асосида пул тўлаши ҳақида ўйлаб кўриш керак.

— Духтур, халқдаям, табибу ҳақимлар орасидадан тан олинган ҳақиқат шуки, ҳар ким энг аввало ўз соғлиги ҳақида ўзи қайғурмас, ўзгаларнинг минг қўйиб-оғтин бекбодид. Соғлиқдан олтин билик йўлигини биллиб-билимай, унинг қадрига етиб-етмай юрганларга қандай тилакларингиз борми?

— Аксарият юртдошларимизнинг ўз синақ-саломатликларига муносабатлари мени беҳад ташвишлантирди. Кўпчилик, айниқса, хотин-қизлар уйда довланишга ҳаракат қилдилар. Оқибатда иннадек жароҳат бутун танани заҳарлаётган дардга айланиб кетиши ҳоллари эсимда. Яна бир нарса бу борада ҳеч қачон лоқайд бўлмаган шартлигини таъкидламоқчиман.

М. УЛУҒОВА  
суҳбатлашди.



Бу сафарги киноанжуман қизгин ижодий баҳс-муонозалар билан ўтиши биринчи қадамлардан оқибат сезилди турибди. Чунки сўнгги йилларда кино санъатининг башариат маданий тараққийида тутган ўрни янада ор-

тиб, у етакчи кучлар сафига қўшилди. Умумийносан қадриятлар тушунчаси чегараси кенгайиб, долзарб маънавий муаммоларни ўз ичига қамраб ола бошлади. Айниқса, кино санъати инсонни янги бир маррадан туриб тадқиқ

қилишга бел боғлади. Одамлар уртасидаги ўзаро муносабатлар, шахс ва замон, табиғатда мувозанат кинодаги асосий мавзулардан бирига айланди.

Осиё, Африка ва Лотин

## ДУСТАЛАР ОРТТИРДИМ...

ХI Халқаро Тошкент кинофестивали санъатсавар халқимизда катта қизиқиш уйғотётгани табиий.

Мингбой Бобоқулов — Фарғона вилояти ноғиронлар спорт клуби раиси муовини, кинофестивалнинг доимий иштирокчиси. У қарийб йигирма йилдан бун халқаро кинофестивалларга қузатувчи сифатида қатнашиб келади. Унинг бу галги ташрифи эса бошқалардан фарқ қилади...

Халқаро кинофестивалнинг тўрт йиллик танаффусдан сўнг очилиши кино илосмандлари сингари мени ҳам тўқчилантириб юборди. Айниқса, фестивал кунлари «Киночилар уйи» да кинобозор ташкил этилганлиги нур устига алоҳид нур бўлганлигини таъкидламоқ жоиз.

Мазкур кинофестивал турли сабаблар бонс жисмонан мажруҳ бўлиб қолган биз фарғоналик ноғирон спортчилар ҳаётида ҳам катта бурилиш ясаसा, амабас. Негаки, мени бу галги кинофестивалга оддий қузатувчи эмас, балки харидор бўлиб келганман. Спорт клубимиз қошида кино тижорат маркази тузишга бел боғлаганмиз. Мақсади-мизни амлга ошириш янгида муайин ишларни қилдик. Маблағ билан боғлиқ томонлар ҳал қилинди ҳисоби. Мен кинобозордан мусулмон халқларнинг урф-одати, анъаналарини тарғиб қилувчи кинолар сотиб олишни режалаштирганман. Кино тижоратдан тушган маблағ ноғирон спортчиларни ҳомилар саҳаватига қўзатикиб ўтиришидан сақлаб-

## ЭКРАНДАГИ МИНГ БИР ЖИЛОЛАР

Пойтахтимизда давом этаётган Халқаро анжуман танловига саралаб олинган фильмларнинг яна тўртта-си 10 октябрь куни ҳаманлар эътиборига ҳавола этилди. Булар Австралия, Миср, Индонезия ва Хитой кино ижодкорларининг махсус-лотларидир.

«Меридиан фильм» (Австралия) киностудияси яратган «Спортсуд» фильми кичик бир шаҳарчадаги поабазал фабрикасида содир бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Биз учун анъанавий бўлган Австралиянинг бетакор ўрмон манзараларини бу сабаб қузатмаймиз. Аксинча, воқеалар, денгиз бўйидаги саноат корхоналаридан бирида ўтади. Фильм ижтимоий маънавияни, ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, саноатни модернизация қилиш ишисизлик муаммолари кўндалдиқ қўйилган. Усмирлар ўртасидаги муҳаббат туйғу-лари ва энгил ҳажв бу асарни бошидан охиригача жонлантириб туради. Фильм режиссери Марк Жоффер, сценарий муаллифи эса Макс Дэнн.

Мисрлик кинорежиссёр Хали Латин ва муаллиф Шафа суратга олган «Қўғирчоқбоз» фильмининг бош нахрамони — ҳалқ орасида чиққан қобилиятли артист иқтисодий ва ижтимоий адолатсизликка қарши бош кўтаради. Бу фильмда миллий жиллолар жуда ёрқин акс этган. Араб халқларининг урф-одатлари ва ҳаёти кенг тасвирланган. Фильм кулгули саҳналар, ҳажвга ҳам бой. Шу сабабли фестивалда таъсис этилган Хўжа Насриддин совринига даъвогар бўлса, ажаб эмас. Ундаги бош ролларни Омар Шариф, Мирват Амин, Эшам Салим ва бошқалар ижро этишган.

Хитойлик кино ижодкорларини тақдир этган «Хиссиётлар тугўни» фильмининг нахрамони касалмад киз ҳаётининг охириги йилларида у истаган барча нарсаларини муҳайи ётишга интилади. Бу асар Пенкидан берак, дий фильмлар киностудиясида суратга олинган. Режиссёр Ша Гаи, сценарий муаллифлари Чжен Шаолин ва Фен Шаогадир. Бош ролларда Юан Юан ва Лю Линин каби актёрларни кўриш мумкин.

«Нон бурдасидаги муҳаббат» фильмининг эса индонезиялик киночилар яраттишган. Сценарий муаллифлари Гарин Нугроно (режиссёр ҳам), Г. П. Артуро, ва Х. Б. Нотолардир. Бу фильм инсоннинг энг нозик

## ГУРУЧ КУРМАКСИЗ БЎЛМАГАНДИК...

Ун биринчи Халқаро Тошкент киноанжумани ўз ишнини муваффақият билан давом эттирмоқда. Иқтисодий оғир шароитларга қарамай, жуда кўп таяёрларлик қўрилганлигини меҳмонлар таъкидламоқда.

Шунга қарамай... Зеро, энг ривожланган мамлакатларда ҳам барча ишлар мукамал бўлавермайди. Аммо киноанжуман ташкилотчилари кейинги гал инобатга олишар деган мақсадда кўзга чалинган камчиликларини ҳам кўриштириб ўтиш бурчимиздир.

Кинофестивалга тақдим этилган фильмлар Тошкентдаги кино уйда намойиш этилмоқда. Анжуман иштирокчилари, меҳмонлар ва маъбуот вакиллари шу жойга тақлиф қилинган. Шундай экан, кино уйда ўзбек миллий маданиятига инсон қадар ўлғатмас амал қилиниши керак. «Уст» бирлашмас хунармандлари тайёрлаган бюмлар савдосини ҳисобга олганда, бунинг аксини кўриш мумкин. Ҳайда ишлаб турган буфетга ўзбек таомлари умуман келтирилмади. Ахир фестивални ўтказишдан мақсад ўзлимизни намойиш қилиш эмасми! Тошкентга ташриф буюрган меҳмонларнинг оғзида тансиқ ўзбек таомларининг таъми қолса, олижаноб иш бўларди.

Ижодий беллашувлар қизгин бормоқда. Бош соврин кимга насиб қилар экан?...

Иброҳим ЖИЯНОВ.

## БАҲС ҚИЗГИН ТУС ОЛМОҚДА

Маълумки, Халқаро Тошкент кинофестивалига тақдим этилган фильмлардан ўн тўртта танлов учун саралаб олинган эди. 9 октябрь кунин фестивал қатнашчилари эътиборига ҳиндистонлик киноижодкорлар танловга қўйган «Хинна» фильми ҳамда кўриқдан ташқари француз фильми «Ван Гог» намойиш этилди. Шу муносабати билан 10 октябрь кунин эрталаб журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди. Конференцияни кинофестивалнинг матбуот гуруҳи раиси Анвар Жўрабоев олиб борди. Унда «Хинна» фильмининг режиссёри Рандхир Канур, ҳинд кино журналининг редактори Харбажан Сингх, ҳинд делегациясининг кино савдоси бўйича мутахассис Уша Найр хоним иштирок этидилар. Бундан ташқари, франциялик киношунс Лоран Даниэль, Ўзбекистон Кинематографиялар уюшмасининг ютуби Музаффар Зоҳидов ва бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

## Сўз-фестивал меҳмонига УЧ МИНТАҚА МАДАНИЯТИГА ЮЗМА-ЮЗ

Қондош-қариндош қирғиз халқи кино санъати усталарининг номи ҳеч бир муносабати бўлган дунёга таниш. Асримизнинг валомат ёзувчиси Чингиз Айтматов асарларини катта муваффақият билан экранлаштирган Бобтоғтеп Шамшев номи фирмаларининг ишчилари билан келган меҳмонлар алоҳида диққатимизни тортди. Бизга истеъдодли кинорежиссёр Замир ЭРАЛИЕВ киноанжуман ва маҳкамдаги кечётган ижодий жараёндар хусусида қўйдиқларини сўзлаб берди.

— Галнинг очиги, ХI Халқаро кинофестивалнинг бошланиши бироз ёқмаган эди. Меҳмонлар орасида ҳақиқий истеъдод билан томолабдорларга танилган юлдузлар бармоқ билан саналган бўлганлигини ёки бошқа сабабми, негадир кунгилда бироз ғашлик бор эди. Аммо кинофорум иш жадал бошлиқо кетганидан сўнг, айниқса, хитойлик кинорежиссёрлар уюшмасининг ютуби Музаффар Зоҳидов ва бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Шарқ қарама-қаршилигидан манфаатдор томонлар бу форумдан ўз сиеатларини учун фойдаланишни ният қилар эдилар. Афуски, айрим давлатлар олиб келган фильмларни кўрганимдан сўнг аллақачон умри тугаб, тарих саҳифасидан жой олган ақидалар асосида ишланган фильмлар ҳам фестивалга олиб келинганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта, бундай жузъий камчиликлар келгуси анжуманларда тузатилади, деган умидимиз. Ягона мақсад-маслагимиз шуки, келгусида Тошкент анжумани Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг маънавий муносабатларини кўриштириш мақсади билан қўрилган бўлсин. Биз ҳам ушбу анжуманда яқиндагина суратга олиб тугалланган «Шайтон муҳри» фильми билан иштирок этмоқдамиз. Фильмининг ХХ аср одами дуч келган жуда катта маънавий авриллишлар муаммолари таҳлил қилинади. Ўғаймизки, мазкур фильм Ўзбекистонда ҳам ўз томошабинларини топади.

Суҳбатчи  
Жалолиддин САҒО  
ёзиб олди.

## СПОРТ ҲАЁТИДАН

«МИЛАН» жаҳондаги энг бой футбол жамоасидир. Унинг ўтган йилги соғ фойдаси 48 миллион долларни ташкил этди. Ушунинг катта қисми аксийи футболчи Ван Бастенга насиб этди: унга 10 миллион доллар тўланди. Донедон, Беран ва Райкард эса 7,5 миллион доллардан, Гуллит, Мальдини ва Маасоро 6 миллион доллардан олинди.

СПОРТ мавзуси энг оммивий телекўрсатувларидан. Улар унда футбол биринчи ўринда турар экан. Италияда ўтган жаҳон чемпионати бунинг жаҳон кайра исботлади. Ушбу ажойиб спорт байрамидан 52 урчушунин 167 малакатдан 26 миллиондан 683 миллион томошабин кўришган. 1986 йилги жаҳон чемпионатининг зангори экан орқали 166 мамлакатнинг 13 миллиондан 507 миллион футбол иштироки талошга қилган.

16 кун давом этган Сеул олимпиадасида муносабатларини эса 160 мамлакатдан 10,5 миллиондан яқин киши кўриб, ҳумордан чиққан.

Ўзбекистон Давлат кинематографии концерни жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

Малик НАБИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари чуқур таъзия изҳор қилади.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**

ТЕЛЕФОНЛАР:  
маълумот учун 33-07-48;  
эълонлар бўлими 32-09-25.  
Индекс: 64608. Буюртма Г-197.

Бош муҳаррир **Анвар Жўрабоев**.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Карим БАҲРИЕВ, Замир БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМИНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СЎЙУН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муқтарам УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамиз ФАҲДИЙ, Шавкат ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидқорр ГУЛОМОВ.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши Раёсати  
ва Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги  
Вазирлар маҳкамаси.

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Тахририятга ҳажми 7 қороздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган маълумотларга эъза жавоб қайтарилмайди.